



**2022**

# Ҳурматли акциядорлар!

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонига мувофиқ, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ҳам янги босқичга олиб чиқиш бўйича қатор устувор вазифалар белгиланган бўлиб, “Ўзбектелеком” АК томонидан республика ҳудудида барча турдаги телекоммуникация хизматларини тақдим этувчи етакчи оператор сифатида тегишли ишлар жадал амалга оширилмоқда.**

Барчамизга маълумки, юқори технологик алоқа хизматлари бугунги кунда замонавий жамият иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётининг муваффақиятли ривожига тобора муҳим аҳамият касб этиб, мазкур йўналишсиз бирор бир соҳани тасаввур этиш қийиндир.

2022 йилда Компания олдида қўйилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида, Компания акциядорларининг 3 та умумий

йиғилиши ўтказилган бўлиб, уларда Компания умумий фаолиятига оид масалалар кўрилган.

Шунингдек, Компания Кузатув кенгашининг 13 та мажлиси ташкил этилиб, уларда Компания бошқарувига оид 90 дан ортиқ масалалар кўриб чиқилган.

Шу билан бирга, 2022 йилда миллий тармоқни жаҳон телекоммуникация тизимига

чуқур интеграциясини ва мамлакат иқтисодиёти ҳамда аҳолисининг ахборот-коммуникация хизматларига эҳтиёжларини ҳар томонлама қондиришни таъминловчи замонавий ахборот-коммуникация технологиялари базасида миллий телекоммуникациялар тармоғини янада ривожлантиришга қаратилган қатор стратегик лойиҳалар амалга оширилган.



Компания томонидан ўз мавқеини мустаҳкамлаш ва юксак тижорат кўрсаткичларига эришиш мақсадларида мижозларга хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича юқори натижаларга эришилган ва бу натижаларни 2022 йилнинг июнда Германияда

бўлиб ўтган тадбирда “МДХ давлатлари орасида энг яхши ривожланаётган минтақавий оператор” сифатида тан олинганлиги ва бошқа эришилган ютуқларга асосан кўришимиз мумкин.

**Бугунги кундаги рақамлаштириш ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ривожлантириш мақсадида Компания ўз олдида қуйидагиларни асосий вазифа қилган:**



аҳоли яшаш масканларини кенг полосали ва мобил алоқа тармоғи билан қамраб олиш даражасини янада ошириш



оптик толали алоқа линияларини қуришни давом эттириш ҳамда барча хонадонларни юқори тезликдаги интернетга улаш имкониятини яратиш



мунтазам равишда янги технологияларни жорий этиш, тақдим этилаётган телекоммуникация хизматларини такомиллаштириш ва сифатли сервисни татбиқ этиш



Компанияни трансформация қилиш, қўшимча оддий акцияларни жойлаштириш (IPO) орқали қўшимча инвестициялар жалб қилиш, Компанияни янги замон талабига мос поғонага олиб чиқиш ва рақобатбардошлилигини янада ошириш



**2022 йил давомида “Ўзбектелеком” АК Ижроия органи томонидан босиқ ва масъулиятли инвестицион ва молиявий сиёсат юритилди.**



**Фаолиятнинг натижавий яқунлари амалдаги стратегиянинг самарадорлигини тасдиқлайди ва келгусида ҳам Компаниянинг акциядорлар фойдасига барқарор ривожланишига умид боғлаш имконини беради.**



**2022 йилни яқунлар эканмиш, Компания Ижроия органи ва жамоасининг алоқа тармоғи ривожига ҳисса қўшиш борасидаги фаолияти самарадор ва муваффақиятли эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.**



**Умуман олганда, Компания фаолиятининг натижалари ижобий характерга эга бўлиб, соғлом оптимизм уйғотилади, мавжуд истиқболлар эса унинг ҳар томонлама ривожланиши учун янги уфқлар очади.**



**“Ўзбектелеком” АК жамоаси ва акциядорларига ўз олдиларига қўйилган, узоқ истиқболда самарали фаолият юритишни таъминловчи вазифаларни амалга оширишда муваффақият тилаймиз.**

Кузатув кенгаши

# Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

**“Ўзбектелеком” АКнинг 2022 йилги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича йиллик ҳисоботни эътиборингизга ҳавола этишга ижозат бергайсиз. Унда Компания фаолиятининг қатор муҳим йўналишлари ва янги хизматларни тадбиқ этилиши бўйича маълумотлар акс этади.**

Сўнги йилларда Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. 2022 йил ҳам бу борада эсда қоларли бўлди.

Мамлакатимизда маъмурий тартиботлардан ўтишни соддалаштириш, аҳоли турмуши сифатини ошириш, инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган электрон ҳукуматни, шу жумладан давлат хизматларини кўрсатиш тизимини модернизация қилиш ва ривожлантириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувига рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5598-сонли Фармони бунга яққол мисол бўла олади. Республикада рақамли индустрияни жадал

ривожлантириш, миллий иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йил”ида амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сон Фармониغا мувофиқ Компания томонидан мавжуд инфратузилманинг тизимли таҳлили ўтказилди ва тармоқни ривожлантириш борасида сифат ўзгаришларига оид қарорлар қабул қилинди, техник жиҳозларни босқичма-босқич янгилашнинг батафсил режаси ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилмоқда.

Компания томонидан телекоммуникация тармоқларини модернизация қилиш бўйича ишлар олиб борилмоқда, улар мис алоқа линияларидан оптик толали линияларга ўтишни кўзда тутди. Бунда кабелларни ётқизиш бутун Ўзбекистон бўйлаб, жумладан чекка туманларда ҳам амалга оширилади.

Аҳоли, ижтимоий ва бизнес объектлар учун замонавий телекоммуникация хизматларини тақдим этиш мақсадларида 44 100 кмдан зиёд оптик толали алоқа линиялари ётқизилди.


UMTS/LTE стандартидаги мобил алоқа қамров ҳудудини кенгайтириш бўйича лойиҳанинг амалга оширилиши давом эттирилди.

Ҳисобот йили давомида ўз мавқеини мустаҳкамлаш ва юксак тижорат кўрсаткичларига эришиш мақсадларида, мижозларга хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича вазифалар муваффақиятли бажарилди.

Симсиз ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг стратегик йўналишларидан бири саналади. Замонавий телекоммуникация инфратузилмаси ривожига инвестицияларнинг ўсиши уларнинг самарадорлигини оширишга ва узоқ муддатли истиқболда телекоммуникация бозорида рақобатнинг кучайишига хизмат қилади.

Ўтқизилган оптик толали алоқа линиялари узунлиги:

**44 +**  
**МИНГ КМ**





**2022 йилда “Ўзбектелеком” АК томонидан телекоммуникация тармоқларини янада кенгайтириш ва ривожлантириш бўйича истиқболли режалар амалга оширилган бўлиб, улар қуйидаги лойиҳаларда ўз аксини топган:**

- 1 “Ўзбектелеком” АКнинг инфратузилмасини ривожлантириш, модернизация қилиш, техник қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси
- 2 “Ўзбектелеком” АК халқаро пакетли коммутация марказининг ўтказувчанлик қобилиятини кенгайтириш” лойиҳаси
- 3 “Оптик толали алоқа кабелларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш” лойиҳаси
- 4 “Оптик толали алоқа линияларини қуриш” лойиҳаси
- 5 “Ўзбектелеком” АК телекоммуникация инфратузилмасини кенгайтириш ва модернизация қилиш” лойиҳаси

Абонентлар базаси

**69%**<sub>га</sub>  
оширилди.

**Юқорида келтирилган барча лойиҳаларнинг амалга оширилиши “Ўзбектелеком” АКга юқори сифатли замонавий телекоммуникация хизматларини тақдим этиш имконини беради. Энг замонавий технологияларни ўзлаштириш ва уларни абонентларга тақдим этиш Интернетга кенг поласали уланиш абонентлар базасини 69 фоизга ошириш имконини берди.**

**Бундан ташқари,  
“Ўзбектелеком” АК  
коррупцияга қарши  
курашиш тизимида ҳам  
бир қатор самарали  
ишларни амалга оширди.**

- Компаниянинг коррупцияга қарши курашиш тизимини ISO 37001:2016 халқаро стандарти талабларига мувофиқлаштириш бўйича ишлар олиб борилди.
- Компанияда бир нечта ички норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва ўрнатилган тартибда тасдиқланди.
- Аудиторлар томонидан Компанияда қабул қилинган ички ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг коррупцияга қарши курашиш бўйича қабул қилинган Фармон ва қарорлар ижроси бажарилиши кўриб чиқилган, шунингдек, Компания раҳбарияти ҳамда бир қатор бошқарма ходимлар билан суҳбатлар ўтказилган ва Компания томонидан амалга оширилган ишлар ўрганиб чиқилган.
- “CERT International” сертификация органини жалб қилган ҳолда Компанияда коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими жорий қилинганлиги ва халқаро ISO 37001:2016 стандартига мувофиқлиги юзасидан сертификация аудити ўтказилди.
- Сертификация аудити иккита босқичда амалга оширилган. Аудит натижасига асосан 2022 йилда “CERT International” сертификация органи томонидан ижобий хулоса берилган ва Компаниянинг коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими халқаро ISO 37001:2016 стандартига мувофиқлиги билдирилган. “Ўзбектелеком” АК раҳбарияти ва жамоаси Компаниянинг 2022 йилдаги имкониятларини оптимистик баҳолайди ва олдинга қўйилган вазифаларни адо этишга шай.

Ижроия органи



# Компания ҳақида маълумот

**“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси – Ўзбекистон Республикасидаги энг йирик телекоммуникация оператори бўлиб, ўз тармоғи билан бутун республика ҳудудини қамраб олади. Замонавий технологиялар базасида барпо этилган ўзининг телекоммуникация тармоғидан фойдаланиб, Компания кенг қўламдаги телекоммуникация хизматларини кўрсатади.**

“Ўзбектелеком” АКнинг бош мақсади давлат тузилмалари ва идораларини, аҳоли ҳамда бизнес вакилларини Ўзбекистоннинг бутун ҳудуди бўйлаб, куннинг исталган вақтида энг замонавий ва сифатли телекоммуникация хизматлари билан таъминлашдир.

Компания фаолиятининг асоси республиканинг бутун ҳудудидида барча истеъмолчиларга кенг қўламдаги телекоммуникация хизматларини тақдим этишдан иборат. Бунда, асосан анъанавий симли телефон ҳамда мобил алоқа хизматлари билан бир вақтда, Компания симли ва симсиз технологиялар бўйича маълумотлар узатишнинг замонавий хизматларини ҳам тақдим этади.

Шу билан бир қаторда, Компания бошқа операторларни тармоққа улаш, алоқа операторлари ва провайдерларига каналларни ижарага бериш бўйича ҳам хизматлар тақдим этади.

Компания учун анъанавий бўлган хизматлар сегментида рақобатнинг кучайиши шароитида, “Ўзбектелеком” АК янги бозорлар очиб, инновацион сервисларни ривожлантириб, иқтисодий фаолиятни фаол диверсификациялашни амалга оширмоқда.

“Ўзбектелеком” АК республикамызда ахборот технологияларини янада ривожлантириш учун кенг салоҳиятга ва инфратузилма ресурсларига эга. Кейинги йилларда Компания телекоммуникация

тармоғининг асосий қисмини модернизация қилган ҳолда унинг технологик салоҳиятини жиддий мустаҳкамлади ва кенгайтирди.

Компания тармоқ инфратузилмаси миллионлаб истеъмолчиларни дунёнинг исталган нуқтаси билан боғлаш имконини беради.

Компания қўшни давлатлар алоқа операторларининг тармоқларига тўғридан-тўғри халқаро чиқишларга эга ва чет эллик операторларга трафик транзити хизматини кўрсатиш борасида халқаро операторлар ва компаниялар билан ҳамкорлик қилади, амалда исталган сифимдаги халқаро рақамли каналларни ижарага тақдим этади.

“Ўзбектелеком” АК Алоқа соҳасидаги минтақавий ҳамдўстлик (АСМХ) Электр алоқа операторлари кенгаши таркибига киради, қатор халқаро ташкилотлар фаолиятида қатнашади.

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 28 июндаги “Телекоммуникация соҳасини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-2647-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 30 июндаги “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 253-сон Қарорига мувофиқ акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилган.



## “Ўзбектелеком” АК устав капитали таркиби

287 310 564  
дона акция

96,57%

  
**277 446 078**  
дона оддий акция

  
**9 864 486**  
дона имтиёзли акция

3,43%


давлат  
улуши

юридик ва жисмоний  
шахслар улушлари

Телекоммуникация тармоқларининг асосий кўрсаткичларида қуйидагича ўзгаришларга эришилди.

# Телекоммуникация тармоғининг асосий кўрсаткичлари

**КПУ портлари монтаж қилинган сиғимли, порт**  
(минг дона)






2022 йилда Компания томонидан  
бутун Ўзбекистон бўйлаб

**4+** **млн**

уй хўжаликлари учун кенг полосали  
Интернет тармоғига уланиш  
имконияти яратилди.


Шаҳарлараро, халқаро, зонаиحي оптик  
толали алоқа линияларидан ташкил  
этилган алоқа каналлари узунлиги:

**236,8**  
**млн канал/км.**




Магистрал транспорт  
тармоғи қуввати:

**52**  
**Тбит/с.**



## Оптик толали алоқа линиялари узунлиги

(минг км)




Магистрал кабелли алоқа  
линиялари узунлиги:

11879,2 км

жами оптик толали алоқа  
линиялар билан  
қамраб олиш даражаси

86 %




Жорий йилда ўтқазилган  
оптик толали алоқа  
линиялар

44+

МИНГ КМ

## Мобил алоқа таянч станциялари сони:



## Аҳоли масканларида мобил алоқа хизматлари қамрови:

